

Вакт деганда кўз ўнгингга нима келар?

Вакт бу ўша ортда колган болалигинг.

Оёк яланг кўча-кўйда ўйнаб кулиб,

Ташвишларсиз ўтган ўша бебошлигинг.

Вакт дегани нима ўзи? Вакт бу дўстим,

Ота-онанг юзидаги хар бир ажин.

Ватк бу шаррос окаётган умр йўлинг,

Ва бўйнингга тушган рўзгор, олахўржин.

Вакт, сени деб тунларин бедор ўтказган,

Онажонинг сочидаги ўша оклар.

Ўзи емай, ўзи киймай болам деган,

Отажонинг қўлидаги шу кадоклар.

Вакт бу нима? Кечагина бешикдаги,

Фарзандингнинг униб-ўсиб улгайиши.

Умринг ўтиб қариганда кучогингда,

Ширин-шакар набиралар кўпайиши.

Вакт бу нима? Умринг бир ҳисобчиси,

Раҳм-шафкат деган туйғу ундан йирок.

Бир кун олдин гулзор узра учиб юрган,

Капалакнинг ахволига бугун бир бок.

Энди уни ахтарсанг хам тополмайсан,

Кечаги кун ортга асло кайтиб келмас.

Кир-адирда маъраб юрган бир кўзичок,

Чўпонига ем бўлишин балки билмас.

Вакт бу нима? Даладаги бободехкон,

Мехнат килиб эккан ўша олтин бугдой.

Мана бугун дастурхонинг безаб турган,

Азиз нонни шу бугдойдан ёпди новвой.

Вакт дегани нима ўзи? Тирикми у?

Йўк. У жонсиз, тилсиз ҳамда шафкатсиздир.

Нега бунча факат олдин интилади?

Балки ажалнинг ердаги шарпасидир.

Вакт бу надур? Кечагина бутун дунё,

Кўлимда деб ўйлаган шу хонлар, биров.

Бугун вакт улар устидан хукмрондир,

Топганлари енгсиз кийим, каро тупрок.

Вакт бу нима? Биров эккан дарахтларга,

Ўйинкарок бўлиб чиккан ўша дамнинг.

Белдан кучинг кетиб қолиб шу дарахтдан,

Ясалган бир хассага сен таянганинг.

Вакт бу дўстим оёқларинг остидаги,

Тупрок бўлиб ётган ўша аждодларинг.

Бир бордингми ўтганларнинг мозорига?

Шу тупрокда юрар бир кун авлодларинг!

*Бухоро шахридан **Мухриддин Яхёев.***